

## БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Саидова Гулрух Ҳалим қизи

Тошкент давлат педагогика университети доцент вазифасини бажарувчи.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ижодкорлик жараёнига турлича ёндашишлар, антик, ўрта асрлар ва замонавий олимларнинг ижодиёт борасидаги қарашлари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий фаолиятини ташкил этишга оид хорижий олимларининг илмий тадқиқотлари борасида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Ижодиёт, ижодкорлик, “бардошли” ижод, “мулоҳазали” ижод.

## АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА, СВЯЗАННОГО С ОРГАНИЗАЦИЕЙ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Саидова Гулрух Ҳалим кизи

Ташкентского государственного педагогического университета.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются различные подходы к творческому процессу, взгляды древних, средневековых и современных ученых на творчество, научные исследования зарубежных ученых по организации творческой деятельности будущих учителей начальных классов.

**Ключевые слова:** Творчество, творчество, «непреходящее» творчество, «рефлексивное» творчество.

## ANALYSIS OF FOREIGN EXPERIENCE RELATED TO THE ORGANIZATION OF CREATIVE ACTIVITY OF FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS

Saidova Gulrukh Halim kizi

Tashkent State Pedagogical University

## ABSTRACT

This article discusses various approaches to the creative process, the views of ancient, medieval and modern scientists on creativity, scientific research by foreign scientists on the organization of creative activity of future primary school teachers.

**Key words:** Creativity, creativity, "enduring" creativity, "reflexive" creativity.

Маълумки, педагогик фаолиятнинг ижодий механизмини тушунишга интилиш қадим тарихга эга. Шу боис кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида фалсафа, педагогика ва психология илмидаги етук шахслар ижодий фаолиятининг моҳиятини англашга ҳаракат қилинган.

Фалсафа тарихида ижодкорлик жараёнига турлича ёндашишни аниқловчи қатор концепциялар мавжуд. Жумладан, антик фалсафада ижодкорлик тушунчаси инсониятнинг дунёни олий (“ақлий”) мушоҳадага эришишга интилиши сифатида қабул қилинган. Қадимий грек файласуфи Платоннинг қарашларида ижодкорлик рассомнинг ижодий ҳаяжонланиши пайтидаги маъбуда билан қўшилиши сифатида баҳоланган. Шунинг учун ҳам унинг ижодий концепциясида “бардошли” ижод ва “мулоҳазали” ижод каби тушунчалар алоҳида тавсифланган. Платоннинг фикрича, ижодкорлик ақл-идрокдан юқори ва мулоҳазали фаолиятдир.

Қадимги юнонлар “ижодкорлик”нинг мазмун-моҳиятини аниқ билмаганликлари учун ҳам бу фаолиятнинг мавжудлигини тушуниб етмаганлар. Ушбу термин (creative) христианлик даврида илоҳий фаолият ва инсон учун табиатнинг тушунарсиз ҳолатларини белгилашда ишлатила бошланган. Фақат романтизм давридагина инсон ижодкорлик даражасига кўтарилган.

XIII асрда файласуф-идеалистлар томонидан ижодиётда инсон руҳияти эркинлигининг тўлиқ ифодаси кузатилган. Ушбу эркинлик илмий таҳлил таъсиридан умуман холи бўлиб, унда инсоният ижоди объектив қонунларининг мавжудлиги деярли рад этилган.

Ўрта аср фалсафасида келтирилганидек, ижодкорлик – бу фанодан борликни юзага келтирувчи иродали ҳаракат, Худо эса – бу дунёни эркин яратувчи шахс саналган. Шунинг учун инсон ижодкорлиги худога қараб интилишни англаган, Ер юзида янги ижодкорлик ҳаракати орқали унга ўхшашлик назарда тутилган.

Уйғониш даврида санъатнинг турли кўринишлари фаол ривожланган. Ижодкорлик фақат бадий ижодкорлик сифатида талқин қилинган. Рассомларнинг ижодкорлик ҳаракатига қизиқиш пайдо бўлган.

Илмий фаолиятнинг ижодкорликка жалб қилиниши уни англашда кескин ўзгариш касб этди, бунинг натижасида ижодкорлар доираси биринчи

кашфиётчилар ва ихтирочилар билан кенгайди. Файласуфлар Спиноза, Декарт, Лейбницлар томонидан ижодий тафаккурнинг таркибий қисмлари ажратилди. Уларнинг фикрича, инсон интеллектуал фаолияти жараёнида ҳақиқатни мантиқий далил асосида эмас, балки “интеллектуал ҳис-туйғу” ёрдамида, яъни сезги (интуиция) орқали топади. Декартнинг ижодий фаолият билан қиёслаш методида акс этишича, кўрсатилган усулга талабнинг уйғунлашуви ижодий фаолият белгилари билан ўзаро муносабатга киришади. “Ижодкорлик” термини XVII асрда дастлаб санъат соҳасида инсон фаолиятини белгилаш мақсадида қўлланилган [1; 45-б.].

XVIII асрда И.Кант илк бор билиш фаолиятининг ижодийлик хусусиятини асослади, ижодиёт жараёнидаги беихтиёрлик роли ҳақида фикр билдирди. И.Кант ижодиёт жараёнини тасаввурнинг маҳсулдорлик қобилияти сифатида белгилади. И.Кантнинг ушбу таълимоти Ф.В.Шеллинг томонидан давом этирилди. У инсон ижодкорлигини табиатнинг яратувчанлиги билан қиёслади. Шеллинг ва сиен романтиклари фикрларига мувофиқ, аввало, рассом ва файласуфнинг ижодий тасавури инсон ҳаётининг фаолиятининг олий шаклидир.

Инсоннинг дунёга нисбатан фаолият муносабати борасида немис классик файласуфлари вакиллари томонидан муайян қарашлар илгари сурилган. Жумладан, Фихте, Гегель ва Фейербахлар ижодкорликка инсон фаолиятининг олий шакли сифатида қараганлар, у ерда инсон азалий ва абадий ўзгармас бирламчи асос – руҳ билан туташади деб билганлар [1; 46-б.]. Прагматиклик, инструменталлик ва унга яқин неопозитивлик (Ч.Пирс, Дж.Дьюи) руҳидаги бу каби фалсафий оқимларда ижодкорликка, аввало, ихтирочилик нуқтаи назаридан ёндашилади, унинг мақсади – маълум ҳолатда қўйилган масалани ҳал қилишдан иборат [1; 47-б.].

Шахс маданияти, Н.А.Бердяевнинг фикрича, унинг ижодий фаолияти билан изчил боғлиқ. Бунда ижодкорликнинг ташувчиси шахс бўлиб, унга экзистенция ҳамда озодликнинг иррационал ҳолати тарзида қаралади. “Инсон ўзининг одамови, чекланганлигини доимо енгиши, ўзининг ҳаёти, муҳаббати, тафаккури, озодлиги доимий жараёни сифатида ҳаёт ва маданиятнинг янги шакллари яратиши зарур”, – деб ҳисоблайди олим [2; 38-б.]

Ижодкорлик ҳаракатини бошқариб бўлмаслиги, англаб етиш мураккаблиги ва у ўз-ўзидан амалга ошиши борасидаги фикрлар ҳам йўқ эмас. Ижодкорликнинг бундай анланганлигини биз А.Шопенгауэрнинг қарашларида учратишимиз мумкин. У ўз фалсафий тизимини онгсиз, ғайри ихтиёрий равишда курганлигини тасдиқлайди.

Таниқли психолог Л.С.Виготский ижодкорлик психологиясини таҳлил қилар экан, инсон мияси ва асаб тизими ҳар қандай ўзгаришлар таъсири остида

ўз тузилишини ўзгартирган ҳолда мутаносиблик касб этиши мумкинлигини айтиб ўтади. Бироқ қайта ишлаб чиқиладиган фаолиятдан ташқари бирлашиб кетадиган ёки ижодий фаолият ҳам мавжуд.

Инглиз олими Г.Уоллес ижодий ҳаракатни: тайёрлаш, ғоянинг етилиши ва текшириш каби босқичларга ажратади. Бундай ёндашув бир моделга ҳам онгли (тайёрлаш ва текшириш), ҳам онгсиз (етилиш, уйғониш) фикрни бирлаштиради, унда ҳар бир компонент бир-бирини тўлдирди [3; 112-б.].

Америкалик психолог ва педагог Г.Рагтнинг фикрича, ижодкорлик назарияси ҳам онгли, ҳам онгсиз фикрни қамраб олувчи барча психологиянинг назарияси бўлиши шарт. Яна бир америкалик психолог Л.С.Кюби эса ижодиётни қатъий тартибдаги белги ва тушунчалари билан мантиқан чеклаб, янги тартиб ва бирикмаларни яратиш имкониятини рад этади, яъни хаёл ва тасаввурни йўқ қилади, деб ҳисоблайди. Айнан хаёлнинг сиқик, чекланганлиги натижасида кўпгина юқори интеллектга эга инсонлар қомусий билимларни яхши ўзлаштиришларига қарамай ижодкорликка нисбатан қобилиятлари паст бўлади.

Ижодкорликка оид тадқиқотларининг сезиларли қисми ижодий тафаккур зиддиятлари ва тўсиқларини текширишга бағишланган. Бу борада америкалик психологлар Г.Линдсей, К.Халл, Р.Томпсон [4; 98-б.] ижодий тафаккурга тўсиқлик қилувчи беш шартни ажратиб кўрсатадилар:

1. Конформизм, яъни енгил таъсирланиш, кўнгилчанлик, мустақилликнинг йўқлиги, бошқаларнинг фикри ва баҳосига нисбатан доимий эҳтиёткорлик.
2. Ички ва ташқи “цензура”.
3. Ригидлилик – кам ҳаракатчанлик, суст йўналтирилганлик.
4. Тезкор жавоб излаш хоҳиши.
5. Танқидий фикрлашнинг мавжуд эмаслиги.

Р.С.Немов ижодий тафаккурга тўсиқлик қилувчи қуйидаги шартларни санаб ўтади:

– аввалги муваффақиятли усуллар инсонни келгусида ҳам шу усулга асосланиб иш кўришга ундайди;

– янги усулларни излашга қанча кўп куч сарфланган бўлса, келажакда унга муурожаатлар эҳтимоли ортади;

– вазифани ҳал қилишнинг биргина йўлини изчил такрорлаш тафаккур андазаси юзага келишига сабаб бўлади;

– инсоннинг интеллектуал қобилиятлари тез-тез учраб турадиган муваффақиятсизликлардан зарар кўради. Улардан ҳадиксираш эса ҳимоя таъсирини юзага келтиради, бу эса, ўз навбатида, ижодий тафаккурга ҳалақит

беради. Оқибатда инсон ўзига нисбатан ишончни йўқотади, унда маҳсулдор фикрлашга тўсқинлик қилувчи салбий ҳислар тўпланиб боради;

– интеллектуал вазифаларни ҳал қилиш муайян асос ва ҳаяжонланишнинг зарур даражаси мавжуд бўлмаганда мураккаблашади (3).

А.Н.Лук илмий ва бадий ижодиётнинг қуйидаги уч босқични ажратиб кўрсатади:

1. Вазифани аниқ англаш ва шакллантириш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг тўпланиши. Вазифани аниқ ифодалаш – бу ярим ечимдир.

2. Қўшимча маълумотга эътибор қаратиш ҳаракати ва изланиш. Агар вазифани ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, кейинги босқич юзага келади.

3. Муаммодан қочишга уриниш, бошқа машғулотга ўтиш. Яширин давр.

4. Дили ёришиш, инсайт.

5. Текшириш

Я.А.Пономарёв томонидан ижодкорлик жараёнига оид қуйидаги босқичлар келтириб ўтилади:

1) англаш иши – тайёргарлик, алоҳида фаолият ҳолати, янги ғояни ҳиссий сезиш аломати;

2) онгсиз иш – муаммонинг муқаррарлиги, яширинлиги;

3) онгсизликдан онглиликка айланиш – бу илҳомланиш, руҳланиш;

4) онгли иш – ғоянинг ривожланиши, унинг сўнгги ифодаси ва синови

Хорижий ихтирочи Томас Эдисон ижодиёт жараёнини қуйидагича белгилайди: “Ихтиро – бу 99% тер тўқиш ва 1% илҳомланиш”.

Шундай қилиб, инсон билимининг ижодиёт жараёнига кириб бориши ва унга хос моделни яратиши орқали ижодиёт назариясини деярли амалга оширишга нисбатан бир қадам қўйилди деб айта оламиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида ижодий тафаккурни тадқиқ қилиш доираси тобора кенгайиб борди. Белгиланган дастлабки ташхисий вазифалар асосида ижодий тафаккур тараққиёти даражаси намоён бўлди. Болалар ва ўсмирларнинг ижодий жараёни тажриба-синов натижасида ўрганила бошланди. Ижодий қобилиятни шакллантиришга оид илк ўқув дастурлари яратишга киришилди. Бу даврга келиб ижодий фаолиятга хос бўлган ақлнинг мослашувчанлиги; тафаккурнинг тизимлилиги ва изчиллиги; диалектга хослилиги; қабул қилинган қарор хавфи ва жавобгарлигига тайёрлик каби мезонлари аниқланди.

Илмий адабиётларда ҳаракат объектига боғлиқ ҳолатда ижодиётнинг моддий-техник, маънавий-назарий, ижтимоий-ташкилий ва педагогик босқичлари ажратиб кўрсатилади. Бундай тасниф турли соҳаларда ижодкорликнинг намоён бўлиши тавсифи учун маълум аҳамият касб этади.

Умуман, ижодиёт муаммосини тушунишга тобора кенгрок доирада ва яхлит ёндашишни кўриб чиқиш ортида ижодий педагогик фаолият моҳиятини намоён этиш мақсади туради. Ўтган асрларда Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци, Д.Дьюи, Э.Вебер, Ф.Ганберг, Э.Линде каби болалар таълим-тарбияси билан махсус шуғулланган таниқли олимлар педагогик маҳоратни илм-фанга қарши қўйиб, унинг санъат сифатидаги ўрнини белгилаганлар.

Россиядаги педагогик қарашлар тарихида педагогик меҳнатнинг ижодий жиҳати борасидаги ғоялар анча маҳсулдор бўлган. Педагогик фаолиятнинг ижодий жараён сифатидаги тадқиқига маҳаллий педагогика классиклари К.Д.Ушинский, П.П.Блонский, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинскийлар фаолиятидан бошлаб бугунги кундаги янги талқинларни мисол қилиш мумкин.

Россияда педагогик ижодкорлик муаммосига оид муҳим изланишлар ХХ асрнинг 20-йилларига тўғри келади. Тадқиқотлар сифати ўқитувчи шахсияти ва унинг касбий шаклланишини ўрганишга нисбатан ортиб бораётган қизиқишлар сони билан белгиланган. Педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосларини ўрганиш ва ушбу йўналишдаги амалий қадамлар П.П.Блонский номи билан боғлиқ. Унинг қарашларида педагогик меҳнатнинг ижодий жиҳати ўқитувчини касбий қарор топтиришда мустақил билим олишига аҳамият қаратишда намоён бўлиши; талабани “барча нарсага” ўргатиш шарт эмаслиги, балки бутун ҳаёти давомида билимларни ўзи эгаллашга ўргатиш зарурлиги қайд этилади [5; 94-б.]

Ижодкорлик фаолияти натижалари ҳам ўзига хосдир. Н.В.Кузьмина педагогик фаолиятдаги ижодкорлик моҳиятини тарбияланувчиларга таъсир қилишнинг янги усуллари яратишдан иборат, деб ҳисоблайди. Доимо педагогик жараён ёки педагогик тизимга йўналтирилган педагогик ихтиролар педагогик фаолият маҳсули саналади [6; 64-б.].

В.А.Кан-Калик ва Н.Д.Никандровлар ҳар бир тарбиячининг индивидуаллиги (ўзига хослиги) ва фаолиятида педагогик ижодкорлик меъёрий ижодий фаолият сифатида иштирок этишига эътиборларини қаратганлар [7; 58-б.]. Улар педагогик ижодкорликнинг қуйидаги даражалари мавжудлигини айтиб ўтадилар:

1. Синф билан ўзаро муносабати даражаси. Бунда тескари алоқадан фойдаланилади, натижалар асосида таъсир этиш тўғриланиб турилади. Бироқ ўқитувчи “қўлланма” – қолип бўйича ҳаракат қилади.

2. Машғулот режасидан бошлаб дарс давомида фаолиятнинг мақбуллаштирилган даражаси. Бу ерда ижодкорлик ўқитувчига маълум бўлган таълим мазмуни, усули ва шакллари моҳирона танлаш ва мақсадга мувофиқлаштиришдан иборат.

3. Эвристик (савол-жавоб) даражаси. Ўқувчилар билан жонли мулоқотнинг ижодий имкониятларидан фойдаланилади.

4. Ижодкорликнинг энг юқори даражаси. Бу даража ўқитувчининг тўлиқ мустақиллиги билан тавсифланади. Педагог тайёр усуллардан фойдаланиши мумкин, бироқ уларга ўзининг ғоя ва таклифларини қўшади. Улар орқали ижодий индивидуаллиги, тарбияланувчи шахсининг ўзига хослиги, таълим-тарбиянинг аниқ даражаси, синфнинг ривожланганлигига мос тарзда иш олиб боради.

3.С.Левчукнинг таъкидлашича, ижодкорлик касбий педагогик фаолиятда ҳам мақсад (ўқувчининг ўз ҳаёт фаолиятининг субъекти сифатида шаклланиши), ҳам шарт-шароит (фақат ижодий ривожланган шахс ижодкорни шакллантириши мумкин) бўлиб хизмат қилади [8; 57-б.].

“Креатив майдон” методикасида ижодкорликнинг маълум турига мос уч даража ажратиб кўрсатилади. Масалан:

1-даража – *разбатлантирувчи-маҳсулдор*. Инсон ишда жадал фаолиятнинг дастлабки аниқланган усули доирасида қолади;

2-даража – *эвристик (савол-жавоб методи)*. Инсонни янги, ноёб, ҳал қилишнинг ўзгача усулларини ёритишга олиб келади. Эмпирик йўл орқали янги қонунчиликни очишга мос келади.

3-даража (олий) – *креатив*. Интеллектуал фаоллик онгли мақсадга мувофиқ фаразга – янги муаммони йўлга қўйишга уйғунлашади, шу вақтдан бошлаб субъектнинг барча онгли фаолияти уни ҳал қилиш учун йўналтирилади. У эса янги кашфиётларга мос келади [9; 68-б.].

Педагогик фаолиятнинг юқори даражадаги маҳсулдорлиги истиқболли вазифалардан ташқари аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва муаммоларни ҳал қилиш қаратилганлиги билан (ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш) ажралиб туради. Педагоглар ижодий фаолият тажрибасига (новаторлар) эга бўлиб, таълимнинг ўзларига мос тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар ҳамда ижодий маҳоратини оширадилар.

Педагогик фаолиятнинг ўрта даражадаги маҳсулдорлиги алоҳида стратегик масалаларни ҳал қилишни назарда тутаяди. Ўқитувчилар, асосан, мавжуд адабиётга таянадилар, янги қўлланмаларни яратишга ҳаракат қилмайдилар.

Педагогик фаолиятдаги маҳсулдорликнинг паст даражаси. Бу даражада ўқитувчилар ўз фаолиятининг натижалари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлмайдилар. Ўзига хос стратегияни топишга интилмайдилар, педагогик маҳорати ва фаолиятини таҳлил қилмайдилар.

Н.М.Романенко томонидан таклиф қилинган *кейинги даражаси тасниф*. Муаллиф ўз меҳнатига турлича ёндашадиган ўқитувчиларни шартли равишда уч гуруҳга ажратади [10; 87-б.]:

1-гуруҳ – *репродуктив* (эсда қолган нарсани тикловчи) ўқитувчилар. Улар асосий назарий ҳолатни қайтадан тиклаш орқали белгиланади. Ҳаракатларини намуна бўйича бажаришни назарда тутадилар.

2-гуруҳ – *ижодий-репродуктив*. Бу тоифага мансуб педагоглар илғор ғояларни англаши билан ажралиб туради. Уларда педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг самарали йўллари мустақил излашга қизиқиш ривожланган бўлади. Баъзан ностандарт вазиятларда амалий вазифаларни бажаришлари мумкин;

3-гуруҳ – *ижодкор ўқитувчилар*. Улар педагогик жараён қонуниятларини англаши, муаммоларни таҳлил қила олиши, ўзи ва ўқувчилар фаолиятини лойиҳалаштириши, ижодий вазифаларни нотаниш шароитларда янги қарорлар кўринишида қўллай билиши, йўл қўйган хатоларини тuzата олиши ҳамда соҳасига хос ижодий усулларни излаши билан ажралиб туради.

В.И.Загвязинский таълимнинг барча тизими характернинг зарур элементларини шакллантириши, талабаларнинг педагогик вазифаларни ижодий ҳал қилиш даражасини оширишга кўмаклашиши ҳамда В.А.Сластёнин ва Л.Ф.Спирин назарияларига таянган ҳолда, педагогик фаолият даражаларини номлаш зарурлигини таъкидлайди. Яъни:

*интуитив* (*сезгига асосланган*) – тушунтира олмайди;

*репродуктив* – талаба фаолияти давомида ўзига маълум қоидалардан ташқарига чиқмайди, бошқаларнинг фикри, намуна ва меъёрлар бўйича иш қилади;

*репродуктив-ижодий* – талабада нафақат бир шаклдаги, балки бироз ўзгарувчан шароитда ҳам педагогик вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини берувчи илмий-педагогик билим ва кўникмалар тизими шаклланади. Тахмин ва олдиндан кўра билиш қобилияти унчалик ривожланмаган бўлади;

*ижодий* – шахснинг педагогик йўналишдаги ёрқин изланишлар ва ихтироларга (рационализацияга) бўлган интилиши. Бу ҳолатда талабада умумлаштирувчи касбий маҳорат, жумладан, таҳлилий, олдиндан кўра билиш, асосли кўникмалар яхши ривожланган бўлади. Педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг ўзига хослиги баъзан янги услубий воситалар, педагогик ишлардан фойдаланишга нисбатан изланишларни тақозо этади [11; 98-б.]

В.С.Шубинский томонидан ижодий фаолиятнинг беш қисмдан иборат таркибий тузилиши таклиф қилинади:

1-қисм – янгиси билан тўқнашиш;



- 2-қисм – ижодий ноаниқлик;
- 3-қисм – яширин фаолият;
- 4-қисм – “эврика”, яъни шароитдан чиқиш стратегиясини англаш;
- 5-қисм – қарорни ривожлантириш.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладики, педагогик фаолиятнинг бир неча ижодий тузилмалари фаол ўрганилаётган, ягона тузилмасини яратишга ҳаракатлар олиб борилаётганига қарамай, ҳамон ўзининг тараққиёт босқичини давом эттирмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ходжаев Б.Г. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш. Пед. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: 2015. – 83 б.
2. Ўзбек педагогикаси антологияси. II жилд (тузувчилар: С.Очил, К.Ҳошимов). – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 478 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти
5. Основные современные концепции творчества и одаренности [Текст] /под ред. Д.Б.Богоявленской. – М.: Обр. центр «Педагогический поиск», 1997. –167 с.
6. Педагогика: педагогические теории, системы, технологии [Текст]: учеб. для студ. высш. и сред, пед. учеб. заведений / С.А.Смирнов, И.Б.Котова, Е.П.Шиянов [и др.]; под ред. С.А.Смирнова. – 4-е изд., испр. – М.: Изд. центр «Академия», 2000. – 512 с.
7. Кан-Калик, В.А. Педагогика творчества [Текст]: учеб. пособие / В.А.Кан-Калик, Н.Д.Никандров; под ред. И.Загвязинского. – М.: Академия, 1990. –141 с.
8. Коджаспирова, Г.М. Педагогика [Текст]: учеб. для студ. образов, учреждений сред. проф. образования / Г.М. Коджаспирова. – М.: Гум. изд. центр ВЛАДОС, 2003. – 352 с.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилд. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000. – 736 б.
10. Подымова, Л.С. Подготовка учителя к инновационной деятельности [Текст]. В 2-хч. Ч.1 /Л.С.Подымова. – М.: – Курск: СПб, 1995. – 170 с.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилд. 9-ж. – Т.: Ўзбекистон миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.– 515.